

Гадоев Э.Ф.  
и.ф.н, доцент

# СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ 2014 ЙИЛДАН КИРИТИЛГАН АСОСИЙ ЯНГИЛИКЛАР

## **ГАДОЕВ Э.Ф. СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ 2014 ЙИЛДАН КИРИТИЛГАН АСОСИЙ ЯНГИЛИКЛАР**

Ушбу мақолада солиқ сиёсатидаги 2014 йилдаги асосий ўзгаришлар көлтирилган бўлиб, асосан, тадбиркорлик субъектларига яратилган қулайликлар, уларга бериладиган янги имтиёzlар, ўз аҳамияти ва самарадорлигини йўқотган баъзи солиқ имтиёzlари бекор қилинганлиги буйича маълумотлар көлтирилган. Бундан ташқари, мақолада оиласвий тадбиркорликни солиққа тортишга оид ўзгартиришлар ҳам ўз аксини топган.

Таянч иборалар: солиқ, имтиёз, оиласвий тадбиркорлик, ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, солиқ сиёсати, бюджет.

## **ГАДОЕВ Э.Ф. ОСНОВНЫЕ НОВОСТИ ИЗМЕНЕНИЯ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ НА 2014 ГОД.**

В статье освещены основные изменения в налоговой политике Республики Узбекистан, подчеркивается значимость создаваемых удобств и льгот, предоставляемых субъектам предпринимательства. Приводятся сведения ранее действовавших, но потерявших значение и отмененных налоговых льготах. Кроме того, отражены новшества по налогообложению семейного предпринимательства.

Ключевые слова: налог, льготы, семейное предпринимательство, единый налоговый платеж, единый земельный налог, налоговая политика, бюджет.

## **GADOEV E.F. BASIC NEWS ABOUT CHANGES IN TAX POLICY IN 2014.**

There are lightened main changes in tax policy for 2014, stressed out significance of preferences and graces extending to subjects of entrepreneurship. There provided data for abolished the previous graces, which lost their importance. There are reflected news for taxation of family business.

Keywords: taxes, graces, family business, single tax payment, sing land taxation, tax policy, public budget.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва  
Қонунчилик Палатаси томонидан маъқулланган Солиқ  
ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий  
йўналишлари концепциясидан келиб чиқсан ҳолда, шунинг-  
дек, Бюджет кодексининг қабул қилиниши муносабати би-  
лан Солиқ кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар ки-  
ритилди.**

Жумладан, Солиқ кодексига бюджетдан ташқари "Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллажлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар" деб номланувчи 4 та моддадан иборат янги XVI-1 боб киритилди.

Киритилган янги бобда ушбу жамғармага мажбурий ажратмаларни тўловчилар, солиқ солиш обьекти, солиқ солинадиган база, солиқ даври, ҳисобот даври, мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобни тақдим этиш ва тўлаш тартиби белгилаб қўйилган.

Шунингдек, бензин, дизель ёқилғиси ва газни автомобилларга ёқилғи қуийш (газ тўлдириш) шохобчалари орқали ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича охирги истеъмолчиларга сотишда бир хил нарх сиёсатини таъминлаш мақсадида кодекснинг 8 та (22, 80, 130, 204, 222, 301, 302, 304) моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилувчи юридик шахслар ҳам ушбу солиқни тўловчилар тоифасига киритилди.

Солиқ тўловчиларга енгиллик яратиш мақсадида, кодекснинг 114-моддасига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушумнинг 100 фоизлик жаримаси камайтирилиб, унинг 20 фоизи миқдорида жарима қўллаш, шунингдек, ушбу тушум суммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш тартиби жорий этилди.

Яна бир енгиллик ва қулайлик шундан иборатки, Солиқ кодексининг 305, 311, 370-моддаларига мувофиқ, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оиласидаги тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширишда оиласидаги тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосигина қатъий белгиланган солиқ тўловчиси бўлиши ҳамда суғурта бадалларини, календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси – ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, оиланинг бошқа аъзо-

лари (ўн саккиз ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) эса ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўлаши белгиланди.

Янги киритилган асосий солиқ имтиёзларидан яна бири – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун солиқ юкини камайтириш мақсадида, Солиқ кодексининг 312, 316 ва 349-моддаларига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, ягона ер солиғини тўловчи корхоналар давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларини тўлаш маслиги назарда тутилган.

Хозирги кунда ўз аҳамияти ва самарадорлигини йўқотган баъзи солиқ имтиёзларини бекор қилиш, айримларининг аниқ манзиллигини таъминлаш мақсадида Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Солиқ кодексига киритилган аксарият ўзгартириш ва қўшимчалар 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кирган бўлса, солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши ва солиқ солиш базасининг кенгайтирилиши билан боғлиқ айрим нормалар 2014 йилнинг 1 апрелидан эътиборан амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари томонидан маъқулланган Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари концепциясига мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 дебабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2099-сонли қарори билан ҳам амалдаги солиқ қонунчилигига бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкаси 2013 йилдаги 9 фоиздан 8 фоизга пасайтирилди. Фойда солиғи ставкасини қўллашда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карталар орқали ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича белгиланган ставка 5 фоизга (2013 йил 10 фоиз) камайтирилиши белгиланди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг қуийи ставкаси 8% дан 7,5%га пасайтирилди ва солиқ ставкаси энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдоридан

(2014 йил 1 январь ҳолатига 96 105 сўм) келиб чиқиб қўлланилиши тартиби сақлаб қолинди.

Ягона солиқ тўлови бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун 2013 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари сақлаб қолинган ҳолда, фойда солиғи каби хизматлар кўрсатиш, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда дорихоналар учун пластик карталар орқали ҳақ тўланган тақдирда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича белгиланган ставка 5 фоизга камайтирилиши белгилаб қўйилди.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқнинг 2013 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари асосан сақлаб қолинган ҳолда, фақат қишлоқ жойларида газета, журнал ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ЭКИХнинг 2 барабаридан 0,5 бараваригача пасайтирилди.

Акциз ости товарлар учун акциз солиғи ставкалари 5 фоиздан 30 фоизгача, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва ер солиғи ставкалари ўртacha 20 фоизга индексация қилинди.

Шу билан бирга, ҳудудларни зоналарга ажратиш мезонлари қайта кўриб чиқилди ҳамда ушбу қайта кўриб чиқиш ҳисобига Тошкент шаҳри зоналари бўйича белгиланган ер солиғи ставкалари унификация қилиниб, амалдаги 14 та зона ўрнига 5 та зонага ажратилди.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг базавий ставкаси 3,5 фоиздан 4,0 фоизга оширилди. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси эса 15 фоизга индексация қилинди.

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали ставкаси 2013 йилдаги 6,0 фоиз ўрнига 6,5 фоиз қилиб белгиланди.

Уяли алоқа компанияларидан абонентлик рақамларидан фойдаланганлик учун олинадиган тўлов миқдори ўтган йилдаги 500 сўм ўрнига ҳар ой учун 600 сўм миқдорида белгиланди.

Қарорда солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган янгиликлар киритилган. Жумладан, жисмоний шахслар томонидан

нотурар жойларни ва автотранспорт воситаларини ижарага беришда ижара тўловининг энг кам миқдорлари белгиланди.

Унга кўра, жисмоний шахслар томонидан нотурар жойларни ижарага беришда ижара тўловининг энг кам миқдори умумий майдоннинг 1 кв. метри учун:

- Тошкент шаҳрида – 6,0 минг сўм;
- Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунадиган шаҳарларда – 4,0 минг сўм;
- бошқа аҳоли пунктларида – 2,0 минг сўм миқдорида белгиланди.

Шунингдек, жисмоний шахслар томонидан автотранспорт воситаларини ижарага беришда:

- енгил автомобиль учун (йўловчилар, юк ташиш учун мўлжалланган ва ўриндиқлари сони ҳайдовчини ҳисобга олмаган ҳолда 8 та жойдан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси учун) – ойига 220 минг сўм;
- бошқа автотранспорт воситалари учун (микроавтобуслар, автобуслар, юк автомобиллар) – ойига 430 минг сўм миқдорида ижара тўловининг энг кам миқдорлари ўрнатилди.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ҳар йили ўтказиладиган асосий воситаларни қайта баҳолаш тартиби бекор қилиниб, унинг уч йилда бир марта ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ушбу Қарорнинг 34-иловасига мувофиқ, илгари берилган айрим солиқ имтиёзларининг муддати узайтирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1047-сон қарори билан берилган асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириш бўйича имтиёз 2016 йил 1 январга қадар узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқовқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1050 сонли қарорига асосан, ноозиқ-овқат

истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихти-  
сослашган корхоналарга тақдим қилинган  
солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда пре-  
ференцияларнинг амал қилиш муддати 2016  
йил 1 январга қадар узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-842-сон қарори билан белгиланган имтиёзлар муддати 2017 йил 1 январга қадар узайтирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги ПФ-4589-сонли Фармони билан 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3706-сонли Фармонга мувофиқ белгиланган имтиёз 2019 йилнинг 1 январигача ҳамда 2010 йил 30 марта "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-куватлаш тўғрисида"ги ПФ-4210-сонли Фармон билан берилган имтиёз 2017 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.